

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**81** Вояга етмаганларни қабул қилиш-тақсимлаш ва уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш тўғрисида Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси махсус муассасаларининг низомини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил  
23 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 761-1*

*(2011 йил 5 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 17 октябрдаги 230-сон «Меҳрибонлик уйи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 43-сон, 435-модда), 2010 йил 26 ноябрдаги 268-сон «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 48-сон, 445-модда) ва 2010 йил 26 ноябрдаги 269-сон «Ички ишлар органларининг вояга етма-

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й.*

ганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 48-сон, 446-модда) қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган Вояга етмаганларни қабул қилиш-тақсимлаш ва уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш тўғрисида Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси махсус муассасаларининг низоми (рўйхат рақами 761, 1999 йил 2 июль) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга қиради.

**Вазир**

**А. МАРАХИМОВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 11 февраль,  
21-сон